


# Муҳим ғалаба

***Россияда профессионал бокс кечаси ташкил этилди. Унда ҳамюртимиз Шерзод Назаров ҳам ўзининг навбатдаги рейтинг "жанги"ни ўтказди.***

Мезбонлар вакили Анатолий Любанскийга қарши баҳс олиб борган ҳамюртимиз дастлабки раундларданоқ устунлигини намоён қилди. Любанский гарчи профессионал боксдаги дебютига қарамай, Шерзоднинг ҳужумларига муносиб қаршилик кўрсатиб турди. Шу тариқа тўрт раундлик "муштлашув"да рақибидан кўра кўпроқ зарбаларини аниқ йўллаган Шерзод Назаров ғалаба қозонди. Бу унинг кучлилар сафидаги иккинчи беллашуви эди.

* * *

Куни кеча Шароф Худойбердиев ва Илёс Раҳимжонов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳаваскор бокс терма жамоаси Болгарияга жўнаб кетди. Анъанавий "Странжа" халқаро турнирида мамлакатимиз шарафини бир қатор халқаро турнирларда совриндор бўлган чарм қўлқоп усталаримиз ҳимоя қилишади.

16-18 февраль кунлари бўлиб ўтадиган баҳсларда ўзбекистонлик боксчилар олти вазн тоифасида рингга кўтарилишади. Улар: Рафиқ Султонов (48 килограмм), Орзубек Шоимов (54 килограмм), Бекзод Хидиров (57 килограмм), Абдуғафур Умаров (60 килограмм), Зокир Ортиқов (64 килограмм) ва Рустам Саидов (+91 килограмм).

Шунингдек, мусобақаларга ҳамюртимиз, халқаро тоифадаги ҳакам Қаҳрамон Каримов таклиф этилган.

## Питер кўпроқ сўраяпти



***Самуэл Питер Виталий Кличко ва Олег Маскаев томонидан таклиф қилинган 2,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ кўпайтирилса, Маскаевга қарши "жанги"ни ортга суриши мумкин.***

Нигериялик боксчининг менежери Дино Дува мазкур хабарни маълум қилган.

– Бу – бизнес. Самуэл чин юракдан Маскаев билан куч синашишни ва камарни ютиб олишни хоҳлаганди. Лекин биз барча вариантларни ўрганиб чиқдик ва мўмайгина пул эвазига "муштлашув"ни бекор қилмоқчимиз. Бундан ташқари, ҳар қандай вазиятда Маскаев – Кличко "жанги" ғолиби биринчи бўлиб Самуэл билан баҳс олиб боришга мажбур, – дейди Дино Дува.

Норасмий маълумотларда, Самуэл тарафдорлари 5,5 миллион долларга рози бўлишлари келтирилган. Олег Маскаев WBC чемпиони ҳисобланади. Питер унинг камарига биринчи рақамли даъвогар. Виталий Кличко эса икки ҳафта олдин яна боксга қайтиб, вазиятни чигаллаштириб юборди. Чемпион сифатида фаолиятини якунлаган Виталийга WBC раҳбарлари "фахрий чемпион" ("Champion Emeritus")лик унвонини туҳфа этишганди. Бу унга яна боксга қайтса, амалдаги чемпионга қарши навбатсиз рингга кўтарилиш ҳуқуқини беради.

## Оқгул яхши бошлади

***Ҳиндистоннинг Бангалор шаҳрида теннис бўйича аёллар ўртасида халқаро турнир бошланди. Ўн давлатдан спортчилар иштирок этаётган мусобақанинг биринчи даврасида ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова словакиялик Ярмила Гайдосовага қарши кортга чиқди.***

**Дастлабки сетни 6:3 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилган вакилимиз 2-сетда ҳам рақибидан худди шу ҳисобда устун келди ва 1/8 финалга йўл олди. Бу босқичда Оқгулдан ташқари, Василиса Бардина (Россия), Ципора Обцилер (Исроил), Елена Костанич (Хорватия), Юрека Сема (Япония), Тамарин Танасугарн (Таиланд), Ольга Савчук (Украина) ва Хсу Су-Вей (Тайван)лар ҳам ғолиблик учун баҳс олиб боришади. Бангалор турнирининг мукофот жамғармаси 175 минг АҚШ долларидан иборат.**

## Роналду маошини оширмоқчи

***"Манчестер Юнайтед" клубининг португалиялик ярим ҳимоячиси Криштиану Роналду жамоа раҳбарларидан иш ҳақини уч бароборга оширишни талаб қилмоқда. Футболчига клуб мутасаддилари шартномани узайтиришни таклиф қилишганда, у юқоридаги талабни қўйган.***

"News of the World" газетасида келтирилишича, Роналдунинг айни пайтдаги ҳафталик маоши 97,5 минг АҚШ долларидан иборат. Португалиялик футболчи эса ҳафтасига камида 312 минг доллар тўлашларини сўраган. Агар бу талаб қондирилса, у дунёдаги энг кўп маош оладиган (йилига 16 миллион доллар!) футболчига айланади.

"Манчестер Юнайтед" раҳбарлари бу масалани тезда бир ёқлама қилишмаса, моҳир футболчиларидан ажралиб қолишлари ҳеч гап эмас. Чунки "Барселона" анчадан буён Криштиануни сотиб олиш пайида юрибди. Бундан ташқари, бу харидни "Ал-Иттиҳод" (БАА) клуби хўжайини шайх Мансур ал-Балави ҳам қўллаб-қувватламоқда. Балави "Барселона" президенти Жоан Лапорта билан яхши муносабатда.



Ҳозирги пайтда дунёдаги энг кўп маош олаётган чарм тўп устаси Михаэл Баллак ("Челси") ҳисобланади. "Аристократ"лар хўжайини германиялик бу футболчига ҳафтасига 253,5 минг доллар тўлайди.

**Ф.АБИЛОВ тайёрлади.**

# Соғлом авлод – келажак пойдевори

***Беруний туманидаги 67-сонли ўрта мактаб қошидаги янги спорт мажмуаси қурилиб ишга тушганида болаларнинг қувончини кўрсангиз эди. Ахир, спорт майдончалари, кийиниш ва ювиниш хоналари, иссиқ ва совуқ сув таъминотини ўзида жамулжам этган бундай мажмуа ҳар қандай қишлоқ боласини ҳайратга солиши табиий.***

Болалар бу ердаги 2-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида баскетбол, волейбол, футбол, теннис, кураш, шахмат-шашка, каратэ каби спортнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғуллана бошладилар. Қарийб 175 миллион сўмлик маблағ сарфланган мазкур болалар спорт мажмуасини Қорақалпоғистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси 12,5 миллион сўмлик спорт жиҳозлари билан таъминлади.

–Ўтган йили жамғармамизга ҳомийлардан 450 миллион сўм келиб тушган бўлса, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирининг ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ижрочи директори Бухарбой Қалабоев, – бу маблағлар Президентимизнинг 2005 йил 31 декабрдаги Фармойишига асосан манзилли дастур бўйича сарфланди.

Масалан, Тахтакўпир ва Тўрткўл туманларида спорт майдончаларини қайта таъмирлашга 25 миллион сўмдан маблағ ажратилди. Уларнинг ҳар бири 16,9 миллион сўмлик жиҳозлар билан таъминланди. Айни пайтда, бу майдончаларда болажонларимиз спорт билан шуғулланмоқдалар.

Кейинги пайтда Қорақалпоғистон Республикасининг сувда сузиш бўйича терма жамоаси ҳамда шу спорт тури билан мунтазам шуғулланувчи ёшлар Хўжайли туманидаги 1-сонли "Меҳрибонлик уйи" бассейнидан машғулотларда самарали фойдаланиб келишмоқда. Чунки, қурилиш ишларига 90 миллион сўм сарфланган ҳамда 16,9 миллион сўмлик жиҳозлар билан таъминланган бу бассейн барча қулайликларга эга.



Амударё, Нукус, Мўйноқ, Хўжайли, Чимбой туманлари ва Тахиатош шаҳри мактаблари қошидаги спорт залларининг қурилиш ишларига ва уларни жиҳозлар билан таъминлашга эътибор қаратилди. Ўтган йилда Жамғарма томонидан маблағ ажратилиб, шу каби кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Шу кунгача Жамғарма томонидан кам таъминланган оилалар болаларига 110 миллион сўмлик спорт кийимлари, мактабларга 227 миллион сўмлик спорт жиҳозлари берилганлиги ҳам эътиборга молик.

–Мазкур тадбирлар асосида, – дея сўзида давом этади Б.Қалабоев, – мактаб ва мактабгача таълим-тарбия муассасаларида жисмоний тарбия дарсларида миллий ўйинлар, енгил атлетика, бадиий гимнастикага кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Мактабларда якшанба кунлари "Қувноқ стартлар", спорт мусобақалари ўтказиш мунтазам йўлга қўйилган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон терма жамоалари сафидан қорақалпоғистонлик ёш спортчиларнинг ҳам жаҳон чемпионатлари, халқаро мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллашаётгани ҳукуматимизнинг ана шундай ғамхўрликлари самарасидир.

Ўтган йили Қорақалпоғистон шаҳар ва туманларида бир қатор спорт



турлари бўйича 57 та мусобақалар ўтказилиб, уларда 10700 ёш спортчилар, шундан 5600 нафар қиз болалар иштирок этишди.

Жорий йил жамғарма томонидан бу борадаги ишлар янада жонлантирилади. Қорақалпоғистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2007 йилги режалари учун 530 миллион сўмлик маблағ сарфлаш кўзда тутилганлиги ҳам шундан далолат беради.

**Ҳ.АҲМЕДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# Бир ариқдан сув ичиб...

(Боши 1-бетда)

Бир ариқдан сув ичган одамлар бир-бирига ёмонлик соғинмайди. Меҳрни, оқибатни жон қадар қадрлашади.

Бир ариқдан сув ичган одамлардан кўнглинг ҳам сув ичади...

Помуқлик ҳамкасбим Абдинаби Абдиев қизиқ гап айтиб қолди:

– Отам қишлоқдаги турмуши бир оз қийинлашиб қолган "янги рўзғор" йигитларни чақириб олиб, "Сен бир тўй бергин", – дердилар. Бор мол-ҳолини сотиб, ўғилчасининг қўлини ҳалоллаган йигит элдошлари, қавм-қариндошлари, жигарлари берган тўёналар билан рўзғорини бутлаб олар экан...

Элчилигимиз бор бўлсинда, "Бир бурдадан берса, тўйдиради..."

– Биз етти ака-укамиз, – дейди чироқчилик бир танишим гурунг асносида. – Ҳаммамиз уйли-жойли, бола-чақалимиз. Анча йил бўлди, отамизнинг маслаҳатлари билан бир ишга қўл урдик. Навбати билан ҳар йили ака-укалардан олтитамиз ҳар биримиз биттадан ғунажинни еттинчимизга берамиз. Тасаввур қилинг, у бирданига олтита моллик бўлади. Ана шунинг орқасидан ҳаммамиз молҳолли, мошинли бўлдик. Рўзғоримизни, иморатимизни бутлаб олдик. Тўй бериб, элнинг олдидан ўтдик. Энг асосийси, бир-биримизга меҳроқибатли бўлишни ўргандик. Қари билганни пари билмайди. Отамнинг айтишича, бу удум қишлоғимизда азалдан бўлган экан.

Жаҳон иқтисодиёт илмида "Кредит уюшмаси", деган атаманинг қачон пайдо бўлганини билмадим-у, чироқчилик танишимнинг гурунгини тинглаб, элимизнинг илдизи теран заковатидан ҳайратим ошди...

"Ўлим бирлаштирар бегоналарни..."

Хассос шоиримиз, раҳматли Шавкат Раҳмоннинг бу сатри ҳар сафар таъзияхоналарда ёдимга тушаверади. Тўйга тараддуд кўрилади. Яхши ният билан ҳўкиз боқилади. Ёғ-гуруч ғамланади. Сеп-сарпо йиғилади. Лекин аза деганлари чақириб келмайдида. Яқин кишисидан дабдурустдан айрилган хонадон аҳли маъракада шошиб қолиши тайин. Элчилик ана шунда асқотади. Эл ана шунда кунингга ярайди. Қишлоқдаги етти ёт бегона ҳам "ҳов..."-ни эшитса, энг зарил ишини ҳам ташлаб, таъзияхонада ҳозир бўлади. Маҳалла-кўй, хеш-ақрабо йиғилади. Ўз дардига ўзи қовурилиб ётган азадорлар сезиб-сезмай дафн харажатлари, юмушлари тақсимланади. Ҳамма ўз ишини билиб қилади. Азали уйда қозон осилмайди. Қўни-қўшни азадор хонадонга таом чиқаришади. "Аза чақирди" қилиб, уларнинг дардларига шерик бўладилар. Бундай пайтда кечагина гина-кудуратлашиб юрган ҳамқишлоғинг ҳам оловдек кўринади кўзингга...

Таниш, жуда таниш манзаралар-а?!

Буларни бежизга "майдала-а-аб" тасвирлаётганим йўқ. Ижтимоий ҳимоя деган тушунча биз учун осмондан тушган, ҳавойи гап эмас. У азалдан қон-қонимизга, энг гўзал қадриятларимизга сингиб кетган.

Биз ана шундай халқмиз. Бир ариқдан сув ичган халқмиз. Яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бир-биримизни суяшни, бирлашишни, жипслашишни, ана шу аҳиллик, ҳамжиҳатлик хонадонимизга, рўзғоримизга, маҳалламизга... Ватанимизга файз-барака олиб келишини яхши биламиз.

*Шунинг учун бизнинг*
*Ариғимиз тўлиб оқади.*
*Равон оқади.*
*Жимирлаб оқади.*
*Рўзғоримизга ризқ-*
*насиба боради.*
*Фаровонлик боради.*
*Барака боради...*

**Нуриддин ЭГАМОВ**

# Бўри болалари



(Боши 1-бетда)

У бурилгунча орқасидаги иккита қашқирча ён томондан зарба берди. Буни қарангки, чўчқа мувозанатини сақлаёлмай, пастликка оғир танаси билан думалаб кетди.

Бўри болаларининг ҳийлакор бу ўйини рақибини шошилтириб, ўзини ўнглашга имкон бермади. Шу пайт пастдаги бўри унинг тумшуғидан, иккинчи қашқир орқа сонидан тишлаб тортди. Учинчи бўрича чўчқанинг қорнидан тишлаб бир парча этини узиб олди.

Чўчқа билан бўри болалари ўртасидаги жанг давом этарди. Чўчқа бир томонга мункайиб қолди. Унинг бўғиқ чинқириғига чидаб бўлмасди. У ҳолдан тойди. Олдиндаги бўри чўчқа тумшуғини тишлаб қаттиқ тортиб турдию бирдан қўйиб юборди. Чўчқа узаласига йиқилиб қолди. Шу пайт ён томондаги бўри чўчқанинг жони узилмаганини пайқаб, унинг тумшуғидан тишлаб, аввал олдинга тортди-ю, кейин орқага куч билан итариб, осилган ичакларига ўраб ташлади.

Чўчқанинг қаттиқ хириллаши сўниб борарди. Бўрилар эса тумшуқларини қонга бўяб лахта-лахта гўшт ютарди. Кўп ўтмай олғир бургутлар ер узра пастлаб борди. Бу осмон қарчиғайлари чўчқа гўштидан ўз ризқларини олиш учун бўри болалари атрофини ўрашди. Қашқирлар тишлари устидаги луқмалари билан ириллар, гоҳ ўлжадан бир-икки қадам узоқлашарди.

Бургутлар ҳужуми тобора кучайиб борди. Ниҳоят, қоринларини дўппайтириб олган бўри болалари йигирма-ўттиз метр чеккага чиқишди. Аммо кўзларини гўштдан уза олишмасди.

...Яна бир воқеа. Жумақул чўпон ўғли Қаршибой билан Жадир тоғларининг ғарбий томонида қўй боқиб юрган пайтда узоқдаги икки бўрига кўзлари тушди. Бўрилардан бири қўшни отардан бир қўйни елкасига ташлаб, олдинма-кейин Чингилсой томонга ўтар эди.

Ота-ўғил бу ҳодисани ёввойи бодом дарахтлари орасида кузатишди. Йиртқичлар уларга яқинлашгач, бир муддат тўхтаб, хавф борлигини англашдию йўлларини ён томонга олишди. Елкасидаги молни ҳамроҳига узатгач, булар бўри болалари эканлигини чўпон англади. Чунки улар овга иккита, учта, тўртта бўлиб чиқишаркан. Иккитаси ов билан машғул бўлса, иккитаси уларни ҳимоялаб боради.

Жумақул чўпоннинг танаси қалтиради. У жойида ўтиролмай тик турди-ю: "Ҳувва-ҳайт, ҳувва-ҳайт!" дея товуш берди. Бўриларнинг салт бораётгани чўпон томонга бир ўгирилиб, сўнгра ҳамроҳи томон жадал бориб, икки қир ўтгач, овларини ерга қўйиб, бири олдинги икки оёғи билан чуқур кавлай бошлади. Иккинчиси эса атрофни кузатди. Бу орада чўпон бўриларга яқинлашиб қолди.

...Савр ойининг ўрталари эди. Жумақул ўғли Қаршибойни овга ўргатиш учун ёғочдан найза ясаб берди. Кунлардан бирида улар Бўритешик тоғлари бағрида юрганида атрофда кўп бўри изи борлигини англашди ва атрофни синчиклаб кузата бошлашди. Қўша бўлиб ўсган бодом дарахтининг ўнг томони бўйлаб юришди. Бўри ини бор эди. Бўри болалари ўзаро ўйнарди. Бири-бирини думалатар, бўйнидан тишлаб тортар эди.

Ўшанда Жумақул овчи ёғочдан ясалган найзани бўри ини томон суқди. Қашқирча ёғочни тишлаб қўйиб юбормади. Уни аста тортиб, бўйнидан ушлаб боғлади. Чўпон бўри инидаги бўри болаларини шу тахлитда ушлаб олди. Саккизта экан. Ўсмир бола шошилиб қолди. Бўричалар унинг қўл-оёқларига ёпишар, ғажиб ташлашга шайланарди.

Ниҳоят, бўри болалари арқон билан боғлаб қўйилди. Жумақул овчи отда, ўғли эшакда бўри болалари галасини қишлоққача ҳайдаб боришди.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ**

"O'zagrosug'urta" davlat aksiyadorlik sug'urta kompaniyasi жамоаси Наманган вилояти Чуст тумани бошқарувчи менеджери Обиджон Якубовга умр йўлдоши

**САОТБИ ОПА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.





Тошкент шаҳар Сергели тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "TORNADO LYUKS" хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "TORNADO LYUKS" МЧЖга ўзгартирилмоқда. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Тел.: 148-07-83.

Утерянную круглую печать, выданную на ТСЖ "Kommunalchi Farhod" Чиланзарского района г.Ташкента, считать недействительным.

Утерянное свидетельство № 001017, выданный 9 марта 2005 г. на ТСЖ "Музаффар коммунал" хокимиятом Юнусабадского района г.Ташкента, считать недействительным.

Утерянную информацию о выпуске акций СП "СамКочАвто", считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № 15-07/318 от 28.07.2005 г. права собственности на квартиру на имя Газизовой Фанзили Миргалиевны, считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № 03-02/161 от 25.11.1992 г. права собственности на квартиру на имя Худайбердыев Юлдаш Мирзаевич, считать недействительным.

Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги "INTER-FOTO-KOM" хусусий фирмаси "INTER-FOTO-KOM" (ОКПО бўйича код 18989023) МЧЖга айлантирилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади. Манзил: Чилонзор, 16-15-41.

Узбекско-Турецкое совместное предприятие "OQZODI" в виде ОАО преобразуется в ООО и является правоприемником СП ОАО "OQZODI". Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 50-44-40.

ООО "SIROJ-FAXR-SAVDO" (код по ОКПО 20084631) Мирзо Улугбекского района г.Ташкента сообщает об уменьшении Уставного фонда с 4 024 031 сум до 1 000 000 сум. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 175-17-07.

Утерянный гос.ордер права собственности на квартиру по адресу Шайхантахурского района г.Ташкента м-в Гулобод, дом 38, кв. 11 на имя Файзибаева Абдуманнопа Абдурахимовича, считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № 05-01/55 от 08.12.1992 г. права собственности на квартиру на имя Саатов Салих Садикович, считать недействительным.



Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Ўктам БАРНОЕВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
ⓗ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: Ш.САНАЕВ
Саҳифаловчилар: Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ
Бош мусаҳҳиҳ: Ҳ.ТОШХЎЖАЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-117, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00.
Босишга топширилди: 20.45
Адади -19377

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 5 6